

Қадарнинг яхшию ёмони Аллоҳдан эканига иймон келтириш



16:00 / 13.02.2023 2156

Туркиядаги даҳшатли зилзиладан кейин кўпчилик инсониятнинг жуда ожиз эканини ҳис қилди, ўз кўзи билан кўрди. XXI асрнинг тараққиёт меваларидан анчайин насибадор давлатда қурилган уйлар ҳам Аллоҳ қудратининг олдида қумбинодек тўкилиб тушди.

Ҳеч бир тадқиқот ҳам, кўрилган эҳтиёт чоралари ҳам иш бермади (Туркияда яшаётганлар билади, AFAD деган ташкилотни. Биздаги ФВВнинг муқобили бўлган бу ташкилот уйларнинг зилзилага бардошлилигини текширади, ярамайдиганларини буздиради, ёлғон тревогалар кўтариб хушёрликни текшириб туради).

Камига шу кунларда Истанбулда қаттиқ зилзила бўлади, деб олимлар огоҳлантирмоқда. Шуни билиб туриб ҳам уйлар қурмоқда, деб жамоатчилик ҳукуматни танқид қилмоқда. Қизиқ ҳолатда, бутун ҳудуди

сейсмо фаол бўлган мамлакат энди бинолар ва иншоотлар қурмасинми? Ҳамма ишларни ва тараққиётни тўхтатиб қўйиб, зилзила бўлишини кутиб ўтирсинми? Ижтимоий ҳаётни музлатиб қўйсинми?

Биздаги бир билимдон Япония зилзилани аниқлашни илмий ўрганишга 2,5 миллиард доллар сарф қилди, Туркия шу вақт мобайнида диёнат ишлари учун беҳуда 60 миллиард доллар сарфлади, дея ёзғирибди.

Энди, бир мулоҳаза қилсак. Япониянинг зилзилани ўрганиш бўйича амалга оширган илмий тадқиқот ишларини олқишлайман. Сабаблар ушлангани учун зилзила талофатлари камаяди. Зилзилага бардошли уйлар қурилади, аҳолининг бу тўғридаги бохабарлиги ошириб борилади. Сабабларни ушлаш маъносида бу ишларни амалга ошириш ҳам мусулмоннинг кундалик вожиботи.

Аммо Аллоҳга ва Унинг қудратига иймон, қадарнинг яхши ва ёмони ҳам Ундан эканига ишонч ва ўлимнинг ҳақлигини тан олиш ҳамда ўлимдан кейинги ҳаётга ҳозирлик кўриш лозимлигига эътиқод қўйиш японча сабабларни ушлаш билан биргаликда мусулмонча хотиржамликни мужассам этади. Чунки мазкур иймон асосларига эга бўлмаган ўша япон ҳам келажагидан ва фалокатлардан ваҳимага тушиб, зилзила ўлдирмасда, ўзини ўзи ўлдирмоқда (жонига қасд қилиш борасида японлар дунёда етакчилардан, ишонмасангиз статистикани титкилаб кўринг).

Мусулмон бўлса, ваҳимага тушмайди. Аллоҳ пешонасига ёзган куни вафот этишини тан олади ва ўлимдан кейинги ҳаётига қўлидан келганича ҳозирлик қилади. Хўжасининг амрини тутиб дунёда гўзал ахлоқ билан яшайди. Ҳам зоҳир ва ҳам ботин устида ишлагани учун ҳаёти гўзал ва ичи хотиржам яшайди.

Айтмоқчи бўлганим, ваҳимага тушманг! Гўзал исломий ҳаёт кечиринг, дунё неъматларидан шариат доирасида баҳра олинг ва Охиратингиз учун ҳаракат қилинг! Шунда зилзила ва бошқа фалокатлар кўрқуви сизни енга олмайди, дунё ҳаётидаги қисқа ва омонат умрингиз бахтиёр ва хотиржамликда кечади. Ва шуни аниқ билиб қўйингки:

«Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур» (Нисо сураси, 78-оят).

Шундай экан иймон ва амал доимий ҳамроҳингиз бўлсин! Бошқаси беҳуда.

Мубашшир Аҳмад домла